

ТТЖда дезинфекция ишлари

Республикамизда короновирус тарқалишини олдини олиш мақсадида 2020 йилнинг 17-18 март кунлари институт талабалар турар жойида дезинфекция ишлари бошлаб юборилди. ТТЖ талабалари тўлиқ уйларига жўнатилган сўнг ТТЖ ёпилганлиги тўғрисида далолатнома тузилди ҳамда 17 март куни 4-ТТЖда дезинфекциялаш ишлари тўлиқ якунланди.



18-19 март кунлари 1, 2 ва 3-ТТЖда дезинфекция ишлари давом эттирилади. Мазкур дезинфекциялаш жараёнида талабалар турар жойларидағи ҳар бир йўлак, ҳар бир хона, ҳар бир умумий фойдаланиш жойлари (ошхона, кир ювиш хонаси, хожатхона)ни қамраб олиш кўзда тутилган.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати